

## "Буюк шоирлар ижодига бир назар"

Мухтарам Президентимизнинг 5 мухим ташаббус доирасида талаба ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида жорий йилнинг 22-июнь куни "Қишлоқ хўжалигини механизациялаш" факультети декани Қ.Шавазов, Ёшлар иттифоқи етакчиси Ж.Хўжамқулов ва тарбиячи ўқитувчи А.Хаитоваларнинг ташаббуслари билан 3 ТТЖ ларида "Буюк шоирлар ижодига бир назар" тадбири ўтказилди. Тадбирда талаба ёшларимиз томонидан Ўзбекистон Қаҳромони, халқимизнинг севимли шоири Абдулла Орипов ва Мухаммад Юсуфларнинг шеърларидан ўқиб беришди. Бундан ташқари баҳри байт, викторина савол жавоб ўйини ташкиллаштирилди. Тадбирда талабаларимиз фаол иштирок этишди ва фаол иштирок этган талабаларимиз муносиб тақдирланди.



**ЁБИБ декан ўринбосари К.Усмонов**

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**